

## ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ ЖИНОЯТ- ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Худайкулов Ферузбек Хуррамович

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

[dr\\_profi@mail.ru](mailto:dr_profi@mail.ru)

ID [orcid.org/0000-0003-2618-3426](http://orcid.org/0000-0003-2618-3426)

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2017-6-6-11>

Мазкур мақолада жиноят объектив томон факультатив белгиларининг қилмишни квалификация қилишдаги аҳамияти ва уларнинг турлари жиноят ҳуқуқи нуқтаи-назаридан тадқиқ этилиб, хорижда қўлланиши ва унинг ижобий жиҳатлари, жиноятни квалификация қилишдаги таъсири каби масалалари очиқ берилган. Ушбу таҳлил натижасида мамлакатимиз жиноят қонунчилигидаги муаммоли ҳолатларнинг ечимига доир илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жиноят объектив томони факультатив белгилари; жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси; қилмишни квалификация қилишнинг зарурий ва жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси.

## УГОЛОВНО-ПРАВОВОЕ ЗНАЧЕНИЕ ФАКУЛЬТАТИВНЫЕ ПРИЗНАКИ ОБЪЕКТИВНОЙ СТОРОНЫ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ПРИ КВАЛИФИКАЦИИ ДЕЯНИЯ

В данной статье исследованы уголовно-правовые значения факультативные признаки объективной стороны преступления, как возникающие при квалификации деяния по факультативным признакам объективной стороны, виды факультативных признаков объективной стороны преступления и их положительные аспекты в зарубежных странах. В результате данного исследования были разработаны научные рекомендации по решению проблемы в законодательство Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** факультативные признаки объективной стороны преступления; место, время, способ, средства, обстановка совершения преступления; обязательные и квалифицирующие признаки при квалификации деяния.

#### CRIMINALLY LEGAL VALUE OF THE FACULTATIVE (NONOBLIGATORY) ATTRIBUTES OF THE OBJECTIVE PARTY OF THE CRIME AT THE QUALIFICATION OF CRIMINAL ACT

In this article was held the analyses of the issues of qualification criminal act according to the facultative (nonobligatory) attributes of the objective party of the crime, the types of the facultative (nonobligatory) attributes of the objective party of the crime and their positive aspects in foreign countries. Because of this study, scientific recommendations to solve the problems in the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** facultative attributes of the objective party of the crime; the place, the time, the way, the means and conditions of committing crime; the obligatory attributes and qualifying elements at the qualifying offense.

Жиноятни квалификация қилиш ҳар доим жиноят қонунининг бирор нормасини танлаш ва уни қўллаш билан боғлиқ бўлади. Квалификация натижасида қилмишнинг белгилари билан конкрет жиноят таркиби белгилари ўртасидаги мувофиқлик аниқланади.<sup>1</sup>

Бошқа бир гуруҳ олимлар<sup>2</sup> эса жиноят объектив томони факультатив белгиларининг ўзига хос жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини кўрсатиб, уларни ўзига хос жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган “учлик” деб аташади. Улар қуйидагилардан иборат: а) жиноят таркибининг зарурий (конструктив) белгиси сифатида жиноят қонуни нормасида тўғридан тўғри назарда тутилиши; б) жиноят таркиби (объектив томони)нинг жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиси сифатида ЖК Махсус қисм моддаси оғирлаштирувчи қисмида назарда тутилиши; в) жазо тайинлашда “Жазони енгилиштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар” сифатида назарда тутилиши мумкин.

Юқорида таҳлил қилинган жиноят объектив томони факультатив белгиларининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида қилмишни квалификация қилишдаги ўзига хос жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Улар қуйидагилардан иборат ҳисобланади.

1. *Жиноят содир қилиш жойи*: а) жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгиси сифатида

---

<sup>1</sup> Найимов.С.С. Қилмишни жиний ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари. Дис...Юрид.фан.ном. – Тошкент, 2006. – Б. 30.

<sup>2</sup> Прохоров Л.А., Прохорова М.Л. П83 Уголовное право: Учебник. - М.: Юристъ, 1999. – С. 41., Уголовное право. Общая часть: Учебник. Издание исправленное и дополненное / Под ред. доктора юридических наук, профессора Л.В. Иногамовой-Хегай, доктора юридических наук, профессора А.И. Рарога, доктора юридических наук, профессора А.И. Чучаева. - М.: Юридическая фирма «Контракт»: ИНФРА-М, 2005. – С. 65.

жиноят содир қилиш жойи қилмиш квалификациясида ўзига хос жинойи-ҳуқуқий аҳамиятга эга. Жумладан, жиноят содир қилиш жойи жиноят таркибининг асосий (конструктив) белгиси сифатида қонун чиқарувчи томонидан назарда тутилиши мумкин. Масалан, ЎзР ЖК нинг 114-моддаси (жинойи равишда ҳомила тушириш (аборт))да қонун чиқарувчи жиноят содир қилиш жойини (даволаш муассасаларидан ташқари жойларда) жиноят таркиби объектив томонининг зарурий-асосий (конструктив) белгиси сифатида кўрсатиб, жиноят содир қилиш жойи қилмишни квалификация қилишда ўз таъсирини кўрсатади. Агар ҳомила тушириш (аборт) даволаш муассасасида қилиниб, жабрланувчи соғлиғига зиён етказиладиган бўлса, соғлиққа қарши жиноятлар (ЎзР ЖК 104, 105-моддалари) билан квалификация қилиниши мумкин; б) бундан ташқари, жиноят содир қилиш жойи жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолларда жиноят таркибини алоҳида квалификацияловчи, яъни қилмишни квалификация қилишнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида назарда тутилиши мумкин. Масалан, ЎзР ЖК 169-м, 2 қ “г” бандига кўра ўғирлик “уй-жой, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда” содир этилса, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолларда жиноят таркибини алоҳида квалификацияловчи белгиси ҳисобланади.

Талончилик ёки ўғирлик жиноятлари “уй-жой, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда” содир этилганда мазкур қилмишни квалификация қилишда ўзига хос квалификация билан боғлиқ бўлган “мантиқий бир жараён” қоидаларига риоя қилишга тўғри келади. Жумладан, ўғирлик уй-жой, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда содир

этилганда биринчидан, ўзганинг мол-мулки “яширин” равишда содир этилганлик фактини(ҳаётий реаллик фактини) қонуний асосларда тўғри аниқлаб олиш керак бўлади. Шундагина, ушбу қилмиш тўғри квалификация қилиниши мумкин.

2) *Жиноят содир қилиш вақти:* а) қонун чиқарувчи томонидан жиноят содир қилиш вақтини ЖК Махсус қисми моддасида муайян жиноят таркибининг асосий (конструктив), зарурий белгиси сифатида назарда тутилган ва ушбу қилмишни квалификация қилишда бевосида ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, ЎзР ЖК 99-моддаси “Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши” жиноятини квалификация қилишнинг зарурий шарти сифатида қонун чиқарувчи айнан қилмиш онанинг ўз чақалоғини “туғиш вақтида” ёки “туғиши ҳамон” қасддан ўлдириши билан содир этилганлиги ҳисобланади. Шунингдек, ЎзР ЖК 114-модда, 122-123 моддалар, 146-147 моддалар, 226-модда, 256 модда ва бошқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин; б) жиноят содир қилиш вақти жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолларда жиноят таркибини алоҳида квалификацияловчи, жиноят объектив томонининг жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) зарурий белгиси сифатида назарда тутилиши мумкин. Масалан, ЎзР ЖК нинг 97-м, 2 қ “е” банди, 104-м, 2 қ “г” бандига кўра қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир шикаст етказиш “оммавий тартибсизликлар жараёнида” содир этилса, жиноят содир қилиш вақти бўлган “оммавий тартибсизликлар жараёни” жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолларда жиноят таркибини алоҳида квалификацияловчи белгиси ҳисобланади.

3) *жиноят содир қилиш усули:* а) жиноят содир қилиш усули қонун чиқарувчи томонидан муайян жиноят таркиби объектив томоннинг асосий(контсруктив),

зарурий белгиси сифатида ЖК Махсус қисм норма диспозициясида назарда тутилиши мумкин. Масалан, ЎзР ЖК 166-модда (Талончилик), 167-модда (Ўзлаштириш ёки растрата қилиш йули билан талон-тарож қилиш), 168-модда (Фирибгарлик), 169-модда (Ўғирлик) ва бошқа моддаларда қонун чиқарувчи жиноят содир қилиш усулини тўғридан-тўғри модда диспозициясида назарда тутган ва уни жиноят таркиби объектив томони зарурий белгиси сифатида эътироф этган. Жумладан, ЖК 167-модда (Ўзлаштириш ёки растрата қилиш йули билан талон-тарож қилиш)да жиноят содир қилишни иккита усули берилган бўлиб, улардан биттасини содир қилиш жинойий жавобгарликни келтириб чиқаради. Қаландаров М.М. айтганидек, “улар ўртасидаги фарқ ўзганинг мулки мулкдорнинг қонуний эганлигидан жиноят субъектига ўтиш усулига кўра амалга оширилади.”<sup>3</sup>

Маълумки, жиноят таркиби шахсни жиноят содир этган деб топиш учун зарур ва етарли белгилар мажмуидан иборатдир. Шу сабабли, жиноят содир этиш усулининг модда диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилганлиги унинг жиноятнинг зарурий белгиси эканлигидан далолат беради.<sup>4</sup>

б) баъзида, қонун чиқарувчи жиноят содир қилиш усулини кўрсатмасдан, унинг шакли (формаси) ва кўринишларини тўғридан-тўғри назарда тутати. Бунда ҳам жиноят содир қилиш усули Ўз.ЖК Махсус қисмини назарда тутилган муайян жиноят таркиби объектив томони зарурий белгиси сифатида инобатга олинади. Масалан, ЎзР ЖК 112-моддасидаги назарда тутилган

---

<sup>3</sup> Қаландаров М.М. Ўзлаштириш ёки растрата қилиш йули билан талон-тарож қилиш: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Дис...Юрид.фан.ном. – Тошкент, 2011. – Б. 76.

<sup>4</sup> Найимов.С.С. Қилмишни жинойий ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари. Дис...Юрид.фан.ном. – Тошкент, 2006. – Б. 117.

“Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш” жиноятида уни содир қиладиган жиноятчи ўз қилмишини содир этиш усули кўриниши сифатида ўлдириш билан қўрқитади ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ушбу жиноятни содир қилади. ЎзР ЖК нинг 103-моддаси “Ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш” жиноятида ҳам “раҳмсиз муомила” ва “шаън, кадр-қимматни муттасил равишда камситиш” айнан жиноят содир қилиш усулининг шакл(форма)лари ҳисобланди. Қилмишни квалификация қилишда жиноят содир қилиш усулининг юқоридаги кўринишлари асосий аҳамият касб этади; в) қонун чиқарувчи жиноят содир қилиш усулини қилмишни квалификация қилишнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида ЖК Махсус қисм моддаларининг жавобгарликни оғирлаштирувчи қисмларида назарда тутди. Масалан, ЎзР ЖК 97-м, 2 қ “бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда” қасддан одам ўлдириш жиноятида бошқалар ҳаёти учун хавфли бўлган усул жиноят содир қилиш усулини қилмиш квалификациясидаги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда квалификацияловчи зарурий белгиси ҳисобланди; г) қонун чиқаруви жиноят содир қилиш усулини ЎзР ЖК 56-моддасида назарда тутилган “Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар” рўйхатига киритган (ЎзР ЖК 56-м, 1 қ “е” банди “кўпчилик учун хавфли усулда”). Бундан шуни келиб чиқадики, жиноят содир қилиш усули жазо тайинлашда албатта инобатта олинади.

4) *Жиноят содир қилиш ҳолат(вазият)и:* а) қонун чиқарувчи томонидан жиноят содир қилиш ҳолати ЖК Махсус қисми моддасида муайян жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган ва ушбу қилмишни квалификация қилишда бевосида ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, ЎзР ЖК 98-моддаси

“Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш” жиноятни квалификация қилишнинг зарурий шарти сифатида қонун чиқарувчи айнан қилмиш кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати(жиноят содир қилиш ҳолати)да содир этилганлиги ҳисобланади. Шунингдек, 218-моддаси бўйича, тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш, шунингдек, корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш айнан фавқулодда ҳолат шароитида содир этилгандагина қилмиш мазкур модда билан квалификация қилинади; б) қонун чиқарувчи жиноят содир қилиш ҳолатини ЎзР ЖК нинг 56-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида топиши мумкин. Масалан, ЎзР ЖК 56-м, 1 қ “и” бандига кўра жиноят “умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда”, “о” бандига мувофиқ “мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш” жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

5) *Жиноят содир этиш қуроли ва воситаси:* а) жиноят содир қилиш қуроли қонун чиқарувчи томонидан қилмишни квалификация қилишнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида жиноят қонуни нормасида тўғридан-тўғри назарда тутилиши мумкин. Масалан, жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят сифатида безорилик – совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб содир этилган бўлса, ЎзР ЖК нинг 277-м, 2 қ “в” банди; безорилик – ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан қўрқитиб ёки қўллаб содир этилган бўлса, ЎзР ЖК 277-м, 3 қ “б” банди билан квалификация қилинади; б) ЎзР ЖК Махсус қисмининг аксарият



моддаларида жиноят содир қилиш қуроли ва воситаси жиноятни квалификация қилишнинг жавобгарликнинг оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида назарда тутилган. Масалан, ЎзР ЖК 164-м, 2 қ “а” банди, 277-м, 2 қ “в” банди ва 3 қисми “б” бандлари, 281-м, 2 қ “б” банди, 283-м, 2 қ “б” банди ва ҳоқозолар.

Хорижий мамлакатлар ва амалиётдаги квалификация билан боғлиқ муаммоларни таҳлили натижасида қуйидаги хулосага келдик.

Биринчидан, Ўз.Р ЖК Махсус қисмидаги барча моддаларда назарда тутилган жиноят объектив томони факультатив белгилари: жой, вақт, усул, ҳолати, қурол ва воситаларга тегишли атамалар умумлаштирилган ҳолда Ўз.Р ЖК нинг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” саккизинчи бўлимда аниқ қилиб кўрсатиши лозим деб ҳисоблаймиз. Квалификация қилиш ваколатига эга шахслар атамаларнинг аниқ ҳуқуқий маъносини билсагина, мантиқий жараён бўлган квалификацияни тўғри қилишади.

А.И.Плотников айтганидек, жиноятни квалификация қилишнинг асосий таркибий тузилишини билиш ташкил қилади.<sup>5</sup> Бир гуруҳ олимлар<sup>6</sup> ҳам қилмишни квалификация қилишни тафаккур билан боғлиқ бўлган мантиқий бир жараён сифатида эътироф этишади.

---

<sup>5</sup> Теоретические основы квалификации преступлений: Учебное пособие. - Плотников А.И. Оренбург: Изд-во ОИ МГЮА, 2001. - С.8

<sup>6</sup> Епихин.А.Ю. Квалификация преступлений: учебное пособие. - "Сыктывкарский государственный университет", "Сыктывкар" 2005 г. - С. 6., Теоретические основы квалификации преступлений: Учебное пособие. - Плотников А.И. Оренбург: Изд-во ОИ МГЮА, 2001. - С.8, Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари.Ўқув қўлланма.-Т.:ТДЮИ нашриёти, 2007. - Б 4.

Иккинчидан, Ўз.Р ЖК 118 модда 1 қисмда назарда тутилган “қўрқитиб” деган сўзга аниқлик киритиш лозимдир.

А.Ниёзов ёзганидек, “қўрқитиш бошқа жиноятнинг объектив томони элементи сифатида намоён бўлган ҳолларда у жабрланувчининг қаршилигини синдириш, агар у айбдор талабини бажармаса у ёки бу хил шикаст етказиш билан чўчитиш мақсадида унинг психикасига таъсир этиш усули ва воситаси бўлиб хизмат қилади<sup>7</sup>.

Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, айнан номусга тегиш жиноятида “зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш” назарда тутилган. 118 модда 1 қ диспозициячини қўйидаги таҳрирда қабул қилиш лозим: “Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш”.

Учинчидан, жиноят содир этиш қуроли ЎзР ЖК 56-моддаси “Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар” рўйхатига киртилмаган. Шунингдек, ушбу модданинг 3 қисмида “Суд жазо тайинлашда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас” деб қатъий қоида қонун чиқарувчи томонидан белгилаб қўйилган. Бизнинг фиримизча, жиноят содир қилиш қуролини суд томонидан жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олиниши ҳамда ушбу модда “жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар” рўйхатига киритилиши лозим. Лекин бу масала чет эл мамлакатларида ҳал қилинган. Масалан, РФ ЖК 63-моддаси 1-қисми “к” банди бўйича - қурол, жанговар яроғлар (ўқ дорилар), портловчи моддалар, портлаш ёки уларга ўхшатиб ясалган (ўхшатма) мосламалар,

---

<sup>7</sup> Ниёзов.А Қўрқитиш жиноятининг ҳуқуқий тушунчаси ва уни таснифлаш // Ж.Қонун номи билан - 1995.- №3-4. - Б. 54.

махсус тайёрланган техник воситалари, заҳарли ва радиоактив моддалар, дори ва бошқа кимёвий-фармакологик препаратлардан фойдаланиб жиноятни содир этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этилади. Шунингдек, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Жиноят кодексларида<sup>8</sup> ҳам ифодаланган.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, жиноят содир қилиш қуроли ва воситаси ЎзР ЖК 56-моддаси “Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар” рўйхатига киритилишини биз тўғри деб ҳисоблаймиз. Назарий жиҳатдан у ёки бу қурол ёхуд восита билан жиноятни содир этиш суд томонидан енгиллаштирувчи ҳолат деб тан олинадиган вазиятни тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки жиноятни содир этишда қўлланадиган қурол ва воситалар доимо жиноят содир этиш жараёнини осонлаштириши учун зарур бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят объектив томони факультатив белгиларининг ўзига хос хусусиятларини иккита асосий туркумга ажратиш мумкин: “учлик” деб аталган ўзига хос жиноят-ҳуқуқий аҳамияти ва қилмишни квалификация қилишдаги ўзига хос жиноят ҳуқуқий аҳамияти.

---

<sup>8</sup> Уголовный кодекс Республика Таджикистан Статья 62, 2012 год.; Уголовный кодекс Республика Казахстан. Статья 54, 2012 год.; Уголовный кодекс Республика Киргизистан. Статья 55, 2012 год // [http://www.pravoteka24.com/zakony-drugih-stran/190-ugolovnyy\\_kodeks\\_stran\\_sng.html](http://www.pravoteka24.com/zakony-drugih-stran/190-ugolovnyy_kodeks_stran_sng.html)

### Адабиётлар рўйхати:

1. Прохоров Л.А., Прохорова М.Л. П83 Уголовное право: Учебник. - М.: Юристъ, 1999. - С. 41.
2. Теоретические основы квалификации преступлений: Учебное пособие. - Плотников А.И. Оренбург: Изд-во ОИ МГЮА, 2001. - С.8
3. Уголовное право. Общая часть: Учебник. Издание исправленное и дополненное / Под ред. доктора юридических наук, профессора Л.В. Иногамовой-Хегай, доктора юридических наук, профессора А.И. Рарога, доктора юридических наук, профессора А.И. Чучаева. - М.: Юридическая фирма «Контракт»: ИНФРА-М, 2005. - С. 65.
4. Епихин.А.Ю. Квалификация преступлений: учебное пособие. - "Сыктывкарский государственный университет", "Сыктывкар" 2005 г. - С. 6.
5. Теоретические основы квалификации преступлений: Учебное пособие. - Плотников А.И. Оренбург: Изд-во ОИ МГЮА, 2001. - С.8.
6. Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш Жинойтларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўқув кўлланма.-Т.:ТДЮИ нашриёти, 2007. - Б 4.
7. Уголовный кодекс Республика Таджикистан Статья 62, 2012 год.; Уголовный кодекс Республика Казахстан. Статья 54, 2012 год.; Уголовный кодекс Республика Киргизистан. Статья 55, 2012 год // [http://www.pravoteka24.com/zakony-drugih-stran/190-ugolovnyu\\_kodeks\\_stran\\_sng.html](http://www.pravoteka24.com/zakony-drugih-stran/190-ugolovnyu_kodeks_stran_sng.html)
8. Ниёзов.А Қўрқитиш жинойтининг ҳуқуқий тушунчаси ва уни таснифилаш // Ж.Қонун номи билан - 1995.- №3-4. - Б. 54.
9. Қаландаров М.М. Ўзлаштириш ёки растрата қилиш йули билан талон-тарож қилиш:жинойт-ҳуқуқий ва

криминологик жиҳатлари. Дис...Юрид.фан.ном. – Тошкент, 2011. – Б. 76.

10. Найимов.С.С. Қилмишни жиноий ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари. Дис...Юрид.фан.ном. – Тошкент, 2006. – Б. 117.

11. Найимов.С.С. Қилмишни жиноий ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари. Дис...Юрид.фан.ном. – Тошкент, 2006. – Б. 30.